



6/4 -23-сон

2023 йил 19 апрель

## **Жамоатчилик кенгашининг Ягона солиқ ҳисобварағини жорий этиш бўйича тавсиялари**

- 1.1. Ягона солиқ ҳисобварағини (ЯСХ) жорий этиш юзасидан техник ва ташкилий тайёргарликни камида 6 ой мобайнида ўтказиш.
- 1.2. ЯСХ тизимидан синов тариқасида фойдаланишни амалга ошириш.
- 1.3. ЯСХга ўтишни солиқ тўловчиларнинг тоифалари бўйича – босқичма-босқич амалга ошириш.
- 1.4. Синов даврида солиқ тўловчиларни мослаштириш учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва нотўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги учун жарима ва пенялар ҳисобламаслик.
- 1.5. ЯСХга ўтишдан олдин солиқ тўловчиларнинг бюджет билан ҳисоб-китобларини солиштиришни амалга ошириш.
- 1.6. ЯСХга келиб тушган суммалар барча соликларни тўлаш учун етарли бўлмаганда, уларни ҳисобдан чиқариш устуворлигини жорий этиш, – дастлаб ККС, сўнгра ресурсларни соликлари ва х.к..
- 1.7. СКга ўзгартиришлар киритиш ва ЯСХ билан ишлашнинг асосий жиҳатларини ВМҚда белгилаб қўйиш.
- 1.8. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетида ЯСХ бўйича (мунтазам ва ўз вақтида янгилаб бориладиган ва қулай шаклда тақдим этилган) долзарб ахборотни жойлаштириб, унда барча соликлар бўйича ҳисоблашлар, шу жумладан солиқ тўловларининг келиб тушиши ва уларнинг соликлар бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот бериш мақсадга мувофиқдир. Солиқ тўловчи ушбу ахборотни доим реал вақт тизимида олиши ва ўзининг бюджет билан ҳисоб-китобларидан хабардор бўлиши керак.
- 1.9. ЯСХда соликларни тўлаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда солиқ тўловчининг мансабдор шахслари (директор, бош бухгалтер) ва

хошишга кўра – таъсисчилари уни тўлдириш зарурияти тўғрисидаги ахборотни олишлари керак.

Кенгаш раиси



М. Перпер